

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Тахрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Қодиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотилов Гойитназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Ҷўнонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эичанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1 (70), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 314 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

children	220
Tursunova M.E. Rang frazeologizmlarining ispan, o'zbek va ingliz tilida berilishi	222
Qahramonova S. Ulug'bek Hamdamning "Muvozanat" asarida undalma	224
Umarqulova M.B. Linguaculturology as a new linguistic discipline of modern linguistics	225
Ustoev A.Q. Development of didactic support for the preparation of future physical education for innovative activities	227
Uzokova Sh.S. Linguoculturological study of motion modifiers in fiction discourse	228
Uzokova Sh.S., Igamberdieva N.S. Comparative - translation study of binoms of English and Uzbek languages	230
Xamrayeva N.X. Actual issues of sociolinguistics	232
Yuldasheva D.K., Akbarova R.A., Djamolidinova Sh.A. Use of «warming ups» technology in teaching English as a foreign language	234
Yusufova L.G. Theoretical basis of teaching reading at the lessons of the English language	236
Ғуломов Х.А. "Мажмаъ ул-масонил" асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари	238
Катаева Ш., Бабаджанов Х.Б. Лексико-грамматическая система имен существительных в русском и узбекском языках	242
Кобилова А.Б. Эвфемистик перифразалар хусусида	244
Қосимова Ф.Х. Дори воситалари номларининг лисоний жиҳатлари	248
Мирзаева Д.И. Паремия концептнинг вербал воситаси сифатида	250
Мўминова А.А. Реклама матнларида ундашни ифодаловчи тил бирликлари миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи восита сифатида	252
Муқимова Д.З. Форс-тожик адабиётида ғазалнавислик тарихига назар	255
Мухаммедова Х.Э. Викторинанг инглиз адабиётида аёллар наслрининг ифодаланиши	259
Норбоев Ў.С. "Асил ва карам" дostonи турк версиясининг мотивлар типологияси	261
Норова Г. Ўзбек тили Зарафшон воҳаси шеваларида табу ва эвфемизмлар	264
Очилова Н. Ўзбек ва инглиз адабиётида "от" образи талқини	266
Сабирова Н.К. Социопрагматикада дискурсни якунловчи тест методи	269
Сапаева Ф.Н., Адамбаева Ф.Р., Эркинова Л.К. Чет тилини ўқитишда мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари	274
Усмонова С.С. С.Ричардсон ва А.Чўлпон ижодида аёл образининг психологик-типологик ўхшашликлари	276
Хантова С.П. Терминология почвоведения	278
Юлдашев Ф. Ўзбек тилида "Эътикод" умумий семали атов бирликларининг синонимик муносабати	280
Ягъяева Э.Б. Специфика обучения туризму посредством обучения иностранному языку	282
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Allaberdieva K.Kh. Age and pedagogical-psychological description of the manifestation of activity in preschool-adult children	285
Alimov J.A. Jismoniy tarbiya darslarida o'quv-tarbiya jarayonini rejalashtirish	286
Altibaeva G.M., Umbarova M.G. Improving the processes of formation of pre-school children's abilities through innovative technologies	288
Rahimqulov K.D. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini tashkil qilish shakllari	290
Rashidov O. Pedagogical profilactics language of innovative activity	292
Rustamov L.H. Jismoniy tarbiya sohasida uzluksiz pedagogik amaliyot tizimini takomillashtiruvchi tamoyillar	294
Sharapova S.T. Educating preschool children as a perfect person	296
Ummatov N.R. Maktabgacha yoshdagi bolalarda asosiy harakatlarga doir mashqlarni rivojlantirish	298
Xamrayeva N.R., Rasulova D.R. Tarbiya chet el olimlari talqinida	300
Xolboyeva G.U., Jumayeva M.B. School readiness improving the assessment of group children's readiness for school education	302
Худжанов У.Т. Развитие социокультурной компетентности у будущих учителей на основе аксиологического подхода	304

функционируют с различной типологической системой. К примеру, существительное земля в русском языке имеет следующие значения:

- 1) наименование планеты: Земля вращается вокруг солнца;
- 2) суша (в отличие от водного пространства): Моряки увидели землю;
- 3) почва (верхний слой земной поверхности): пахать землю;
- 4) рыхлое темно-бурое (или иного цвета, например, красного) вещество, входящее в состав

коры нашей планеты: земля с песком и глиной;

- 5) страна, государство, родина: узбекская земля;
- 6) территория с угодьями, находящимися в чьем-либо владении: районные земли.

Узбекский эквивалент этого слова - «ер», оно имеет свыше 11 значений [1].

Большую специфическую, условно относимую к тематической, группу слов образует лексика, общая для русского и узбекского языков. В ней по источнику, из которого или через который заимствованы, выделяются две группы:

А) слова заимствованные из тюркских (или через них) языков: арык (арик), дувал (девор) и т.п.

Б) интернациональная лексика (слова заимствованные из русского или западноевропейских языков, но через русский): каникулы (каникул), одеяло (адёл).

Из названного пласта имен существительных, общих для русского и узбекского языков, прежде всего следует отметить учебную лексику, которая употребляется студентами вузов: научные термины, названия предметов обихода в студенческой аудитории. Отсюда и методический вывод о необходимости и пользе тематических словариков, а также работы по усвоению лексики указанных тематических групп студентами-филологами, будущими учителями русского языка в узбекской школе.

Сопоставительный анализ семантического объема каждой пары русского слова и его узбекского эквивалента, словосочетаний, которые образуются с этими словами в каждом языке, расширяет лингвистический кругозор будущих учителей русского языка, обогащает их словарный запас.

Следует отметить внимание на наличие терминов общих для обоих языков в научных дисциплинах, изучаемых в вузе, особенно по педагогике, психологии, методике.

Таким образом, тщательный сопоставительно-типологический анализ тематических групп имен существительных помогает уяснить различие и сходство в их составе, выявить определенные закономерности в обозначении предметов и явлений объективной деятельности, найти рациональные пути в обогащении русского словаря узбекских учащихся.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Под редакцией Мағруфова З. М. – М.- М: Рус тили нашриёти – 1981 – с. 243.

УЎК 81

ЭВФЕМИСТИК ПЕРИФРАЗЛАР ХУСУСИДА (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

А.Б. Кобилова, тадқиқотчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақола перифразларнинг матнлардаги эвфемистик функциясига бағишланган. Предмет, шахс, ҳодисаларни перифрастик юмшатиш воситаларига аҳамият қаратилган.

Калит сўзлар: эвфемизм, эвфемистик перифраза, эвфемистик функция, матн, периферик юмшатиш.

Аннотация. Статья посвящена проблеме отражения и реализации перифраз в эвфемистической функции. Внимание акцентируется на средствах перифрастического смягчения характеристик предметов, лиц, явлений с точки зрения эвфемистической функции.

Ключевые слова: эвфемизм, эвфемистическая перифраза, эвфемистическая функция, текст, перифрастические смягчения.

Abstract. the article deals with the problem of reflection and realization of periphrases in euphemistic function. The article focuses on the means of periphrastic softening of the characteristics of objects, persons, phenomena in terms of its euphemistic function.

Key words: euphemism, euphemistic periphrasis, euphemistic function, text, peripheral softening.

Тилшуносликда одатда эвфемизм термини остида салбий маъно ифодаладиган предмет, шахс, ҳодиса ва бошқа бирликларни мулоиймлаштириш, юмшатиш воситаси сифатидаги ўрни асосланган. Жумладан, Ю.С.Баскова эвфемизмнинг воқеа-ҳодисанинг ҳақиқий моҳиятини яширишини [3, 26], Е.О.Милоенко индивидуал нутқда эвфемизм кўлланишининг ўзига хос хусусияти масаласини, Л.П.Крисин тўғридан-тўғри номлаб бўлмайдиган сўзларни этикет доирасида кўллаш эҳтиёжи асосида эвфемизмларнинг дунёга келганлигини [12, 24] таъкидлаб ўтишган. Дарҳақиқат, эвфемик нутқ тафаккурнинг, инсон ақл-заковатининг олий формаси, “қаймоғи”, воқеликнинг пардозланган, “парда

ичига олинган”, беозорлаштирилган, юмшатирилган образли ифодасидир [14, 12]. А.Э.Маматов тадқиқот ишида фразеологизмнинг семантик шаклланиш масалаларини ўрганар экан, ибораларнинг эвфемик ва дисфемик шаклланишига алоҳида эътибор қаратади. Ахлоқий ва маданий жиҳатдан қўлланиши ноқулай деб топишган тушунчаларни юмшоқ тарздаги бирикмалар билан ифодалаш эҳтиёжи ҳам фразеологизм пайдо бўлишига туртки бўлишини айтади. Жумладан, хотин – умр йўлдоши, жуфти ҳалол каби; уйланмоқ – уйли бўлмоқ, бошини иккита қилмоқ, турмуш курмоқ, ола хуржун бўйнига тушмоқ каби [11, 156-159].

А.Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да эвфемизмга қуйидагича изоҳ беради: эвфемизм (юнонча "euphemismos", эу - яхши + phemi - гапираман) нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, иккиқат, бўғоз сўзлари ўрнида ҳомиладор, оғир оёқли сўзларини қўллаш [16, 124]. Тиббий эвфемизмларни тадқиқ этган Н.И.Ғайбуллаева эса бир қатор мақолаларида тиббий эвфемизмлар хусусида фикр юритиб, эвфемизациянинг лингвомаданий нутқ натижаси эканлиги, шифокорнинг мулоқот маданияти, шифокор ва бемор ўртасидаги муносабат, шифокор ва беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат, шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати, тиббий этика каби масалалар устида тўхталади [6, 124].

Перифразалар эса эвфемизмларга ёндош ҳодиса саналиб, воқеликни инсон кўз олдида келтирадиган даражада тасвирлашга асосланган бўлади. Маълумки, қадимдан кишилар нарса-ҳодисалар ҳақида шунчаки маълумот берибгина қолмасдан, балки уларнинг муҳим хусусиятларини тасвирлаб, кийслаб, ўзига хос белгиларини тасвирлашга ҳаракат қилишган ва натижада тилнинг тасвирий воситалари шаклланган. Ўзбек тили нутқий ифода воситаларига ўта бой тиллардан биридир. Ана шундай воситалардан бири перифразалардир. Перифразалар ўзбек тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам гарчанд алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлган бўлса-да, мазкур ҳодисанинг лингвистик хусусиятлари тўла маънода ўз ечимини кутмоқда. Перифразалар бадий тасвир воситаларидан бири сифатида оғзаки нутқимизда ҳам, ёзма нутқимизда ҳам кўп қўлланилади, тилимиз бойлигини, маъно имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади. Периферик бириклар нутқимизни таъсирчан, аниқ, мантқий ва бетакрор бўлиши учун хизмат қилади. Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласи тадқиқотчилар учун муҳим мавзулардан бири бўлиб, бугунги кунга қадар ўрганилмоқда. Шунга қарамадан перифраза структурасини ташкил этувчи сўзлар муносабати борасида изланишлар олиб бориш лозимлиги кўзга ташланмоқда.

Перифраза жаҳон тилшунослигида етарлича тадқиқ қилинган ва турлича таърифланади. Тилшуносликда XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб перифразаларга бўлган қизиқиш ўсди. Биринчи бўлиб В.П.Григорьев тадқиқотларида сўз-образ-денотат муносабатлари нуқтаи назардан лингвистик муаммо сифатида “поэтик нутқни ҳосил қилишнинг энг ёрқин, қизиқarli ва истиқболли усулларидан бири” сифатида тасвирланган [7, 122]. Перифразаларнинг экспрессив хусусиятлари, услубий фигуралар ва троплар тизимидаги ўрни ҳамда феъл бирикмали типлари С.Я.Макарова кузатишларида ҳам мавжуд [10, 55]. Бу даврда Ю.Д.Апресян томонидан перифразация моҳиятини очиб беришга қаратилган талқин тилшуносларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Инсоннинг ўзи лингвистик перифразациялаш қобилиятига эга бўлади. Яъники, инсоният хоҳлаган нарса (кенг маънода)ни тафаккурида образли ифодалай олиш қобилиятига эга бўлади [2, 63].

А.Н.Кожин ишларида “ҳодисаларнинг иккинчи номлари”, нутқнинг экспрессивлигини ошириш воситаси сифатида тақдим этилган [9, 89]. Бинобарин, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб перифразага қизиқиш янада кучайди ва ҳосил бўлиш йўллари, перифразаларнинг мавзувий гуруҳлари, семантик-структур турлари, периферик бирикмаларнинг типологик тадқиқи [4, 145], ижодкор асарларида перифразалар қўллаш, диний матнларда перифразаланган бирикмалар тадқиқи алоҳида урғу берилди. Кэтрин Фукс перифразаларнинг турли даражада бўлиш а) локутив (ахборот бериш); б) прагматик (яъни мақсад ва муайян вазиятда тингловчи) таъсирга қараб; в) рамзий (бадий матнларда ҳодисаларни тавсифлашда) усулларини ишлаб чиқди [15, 129]. Француз тилшуноси Ш.Балли перифразаларга “фикр(жумла)ни такрорлашнинг кенгайтирилган шакли” дея баҳо берган [5, 187]. Яна қатор манбаларда перифраза содда тушунчани қийин усуллар орқали таърифлаш (И.В.Арнольд), бир тушунчани бир неча сўзлар орқали аташ (М.В.Ломоносов), феноменнинг мантқий ифодасини ҳиссий ифодага алмаштириш (А.А.Потебня: “Адабиёт назарияси ҳақида эслатмалар”), образли синоним (А.И.Ефимов), оддий сўзни тавсифловчи бирикма билан алмаштириш (О.С.Ахманова), сўзни кенгроқ ифода этиш (Айтбайўлы Ө.) сифатида тушунтирилади [1, 312]. Перифраза юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилган “перифраза” юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилгани бўлиб, сўзни бошқа бир сўз билан ифодалаш, бир сўзни изоҳлаш учун сўзларни ўзгартириш [8, 57] сифатида баҳоланади.

Перифраза сўзи аслида грекча бўлиб (paraphrasis), у тилшуносликда «тасвирий ифода» маъносида қўлланилмоқда. Бу ҳақда А.Ҳожиевнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да қуйидаги изоҳ келтирилган: «Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум

контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаладиган стилистик приём. Масалан, дала маликаси, (макка жўхори)» [17, 67]. Перифразани кўчим турларидан бири сифатида талқин қилган тилшунос олим Р.Кўнғуров саналади. Тилшунос 1983 йилда нашр этилган "Ўзбек тили стилистикаси" қўлланмасида перифразани куйидагича баҳолайди: «кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади. Бу термин перифраза, парафраз, парафраза деб ҳам юритилади» [18, 203]. Ўзбек тилшунослигида перифраза хусусидаги илмий маълумот, асосан, М.Миртожиевнинг тадқиқотларида мукамалроқ берилганини кўрамиз. Олимнинг таъкидлашича: «Парафразалар маълум бўлаги ёки бўлақлари кўчма маънода бўлиб, улар маъноси синтездан ташкил топган, бир тушунчани билдирувчи луғавий бирликдир. ... Парафраза ҳолида мақом олган бирикмада, гарчи семантик қайта бўлиниш кечган бўлса ҳам, унда синтактик қайта бўлиниш кузатилмайди» [13, 185].

Уқорида билдирилган мазкур икки лингвистик ҳодисани қиёслаш асосида айтиш мумкинки, перифразалар предмет/ҳодисаларни безаб тасвирласа, эвфемистик воситалар салбий бўёкли бирикларни ижобийлаштиради, мулоиймлаштиради. Нарса/ҳодисаларни перифразалашда эвфемистик усул, йўл ҳам танланади ва бу жараёни эвфемистик перифразалаш ҳодисаса сифатида баҳолаш мумкин. Иланишларимиз давомида ақлий қобилият, миллий устунлик, туғиш, касаллик, инсон тана аъзолари, ўлим, тажовузкор ҳаракатлар, оилавий муносабатлар, диний тушунчалар билан билан боғлиқ лисоний тушунчаларнинг публицистик матнларда эвфемистик перифразаланишини кузатдик. Уларни куйидагича гуруҳлашга ҳаракат қиламиз:

1. Кексайиш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар: қариялар уйи – хайрия уйи, нафақа – муносиб дам олиш.

2. Ақлий қобилиятнинг пастлиги, руҳий касалликларни ифодаловчи тиббий эвфемистик перифразалар: психотрик шифохона – руҳий касалланганлар тиббий муассасаси; галлюцинация – визуал тасвирлар. In fact, the visual images involved were dreadfully clear and, as it were, authoritative ones and they are rising up in front of me at this moment, and I will not write about them [Murdoch A. The Sea, The Sea / A. Murdoch. –Penguin Classics, 2001. – 495 p.].

Таржимаси : Aslida, vizual tasvirlar juda g'aroyib edi, go'yo g'ayrioddiy va ular hozirda mening oldimda paydo bo'ldi, lekin men ular haqida yozmayman.

Ақлсиз, ахмоқ, бемаъни сўзлари ўрнида ақлий қобилияти суст, иккинчи даражали одамлар, қоронғу одамлар, lack of intelligence, ill-advised, shortsighted, unintelligent, simple-minded каби эвфемистик перифразалар ишлатилади. Thus, I pass away the time, and this lulls me on to drudge on the end of the chapter with this Dunderheaded Master of mine, who to my knowledge is more a Madman than a Knight (- Miguel de Cervantes, Don Quixote, 1703).

3. Этник қатламни юмшатишда қўлланадиган эвфемистик перифразалар.

Оммавий ахборот воситаларида қора танлилар атамаси ўрнида ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси, жингалак пигми каби бириклар, кавказликлар ўрнида шарқдаги биродарлар, тоғ ўғлонлари эвфемистик перифразалар ишлатилиб, нутқнинг таъсирчанлигини оширишга эришилган.

4. Касаллик номларини алмаштирувчи эвфемистик перифразалар. Буларнинг аксарияти асосан шифокорлар нутқида ишлатилади ва тиббий этик жиҳатдан айтилиши нокулай бўлган, беморнинг руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган касалликларнинг номини яшириш мақсадида қўлланилади. Жумладан: Кўпинча ангинани сохта касаллик, заифлашган томоқ касали деб аташади. Бундай дард ўта нохуш бўлиб, вақтида даволанмаса, жиддий асоратларга олиб келади (Ташхис. 2017й. 23-бет). Климакс – аёл умри давомидаги жинсий тизим фаолиятининг ёшга мос сўниши. Гиёҳвандлик- айни вақтни бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммо(ОАВ). Мохов –энг кўрқинчли касалликнинг давоси борми? («Даракчи» №40. 04.10.2018. 40-b.) Patients with respiratory viral syndromes (coronavirus disease) are mild or nonspecific will introduce the virus into hospitals, leading to clusters of nosocomial infections. The signs and symptoms of invisible disease (coronavirus disease) are largely indistinguishable from those of other respiratory virus infections (Annals of Internal Medicine, 5 May 2020. P.619).

5. Ўлим сўзи ўрнида ишлатиладиган эвфемистик перифразалар. Оммабоп матнларда соялар дунёси, абадий сукунат олами, абадий уйку, сўнгги қор, resting in peace, eternal rest, gave up the ghost, «the signs of his own decay/ охират яқинлашуви» ёки дафн билан боғлиқ сўнгги йўл, сўнгги сафар каби қатор алмашинувлар учраганлигини кузатдик ва бу бирикмаларда ўлим ҳодисаси шунчаки мулоиймлаштирилмаганлиги, балки шулар баробарида бадий тасвирлаш ҳам юкланганлиги хусусида ҳукм чиқардик.

6. Оилавий муносабатларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар. Бу турдаги эвфемистик перифразалар 1)интим муносабатлар, 2)оилавий муносабатлар, 3)хиёнат, 4) аёл ва эркак жинси анатомияси билан боғлиқ тушунчаларни бадий, таъсирчан ифодалашда қўл келади ва матннинг ўқувчилар учун ижобий таъсир аҳамиятини оширади. Масалан, Хайз ва нифос кўрган аёллар рўза

тутмайдилар. Аёллар Рамазонда ҳайзли ёки нифосли бўлиб қолсалар, покланганларида қазосини тутиб берадилар. Бундай ҳолатдаги аёллар ифтордошларига кўрсатмасдан еб-ичишлари исломий одоблардандир(муслим.уз). Уруғланган тухум ҳужайра бачадонга тушади ва унинг деворига маҳкам ёпишиб олади. Ана шу пайдан бошлаб бачадонда янги ҳаёт – ҳомила ривожланади (“Shifo-info” №46. 2013.).

7. Тақиқланган диний тушунчаларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар: менинг яратувчим, муқаддас китоб ва бошқалар. Эр – оиланинг раҳбари. Агар эр зиммасидаги вазифаларини рисоладагидек бажарса, ўз-ўзидан аёли ва фарзандлари унга ҳурмат ва итоатда муомалада бўлади. Оқибатда оилада дўстлик, ахиллик, муҳаббат ҳукм суради, оила мустаҳкамланади, қут-баракали бўлади (муслим.уз).

Бу сирани яна ҳам давом эттириш мумкин, дейлик, кўринишни юмшатовчи тиббий эвфемистик перифраза, гиёҳвандлик билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи эвфемистик перифраза каби. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тил шахс ва жамият салоҳияти ҳамда маданияти савиясининг ўзига хос белгиси саналади. Унинг воситасида мазкур даража сифатини билиб олиш мумкин, чунки шахс ва жамият айнан тил орқали ахборот яратади, уни ҳазм қилади, ўзатади, қабул қилади. Ушбу жараён узлуксиз қайтарилиб, айланиб тураверади. Биз тилга сўзлашиш воситаси сифатидагина муносабатда бўлиб қолмасдан, нутққа кўрк қўшиш учун тил сандигидан вазиятга, ўринга мос таъбирчан бирикмаларни қўллашга аҳамият қаратиб нутқимиз бойлигини оширишга эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айтбайұлы Ө. Қазақ фразеологизмдері мен перифраздары. Алматы, “Абзал-Ай”, 2013, 400-бет.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1996, с. 312.
2. Апресян Ю.Д. Синонимические средства языка и правила перифразирования//Русский язык в национальной школе. 1972. № 3.
3. Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков) //дисс...кандидата фил. наук. – Краснодар, 2006. – 26-с.
4. Базарская Н.И. Вторичная номинация в системе языковых знаков (на материале перифраз английского и русского языков). Автореф. дис... канд. филол. наук. Саратов, 1988.
5. Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961.
6. Gaybullayeva N.I. The usage of euphemisms in the speech of doctors// International journal of research in humanities, Arts and literature (IMPACT:IJHAL), 2018. – P.525-532. IMPACT Factor. 3.7943. // Тиббиёт соҳаси тилининг лингвимаданий аспекти // Лингвистика, таржимашунослик, лингводидактика//Халқаро анжуман материаллар тўплами. – Бухоро. 2018.26.09. –Б. 124-127. // Тиббиёт таълимида мулоқот маданиятининг аҳамияти // “XXI аср тиббиёт фанларининг долзарб масалалари” мавзусида 1 -халқаро илмий-амалий онлайн анжуман тўплами. УДК 6.61.613-615. 2019.-Б.304-310.// Шифокор ва бемор мулоқотида тиббий эвфемизмлардан фойдаланиш йўллари // Filologiya masalalari. – Toshkent, 2018. – №3. – В. 31-42.(10.00.00№18)
7. Григорьев В.П. Слово - образ - денотат: К проблеме перифразы // Н.А. Некрасов и русская литература: Тезисы докладов и сообщений межвузовской конференции. Кострома, 1971. С. 122-125.; Григорьев В.П. К проблеме перифразы // Сборник докладов и сообщений лингвистического общества. Калинин, 1974. Т. 4.
8. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том, М., 1882, -С. 57
9. Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи // Русский язык в школе. 1977. № 4. С. 89-94.
10. Макарова С.Я. Перифраза в современном русском литературном языке (на материале газет) // Содержание и методика преподавания русского языка в средней и высшей школе: Материалы 15-й научно-методической конференции Поволжья. Волгоград, 1972. С. 55-58.
11. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.156-159.
12. Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе// дисс...кандидата фил. наук. – Курск, 2009. 24-с.
13. Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2007. –Б.185.
14. Омонтурдиев А.Профессионал нутқ эвфемикаси (Чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фанлари. д – ри. ...дис. – Т., 2009. – Б.12.
15. Fuchs C. A parafrase linguistica: Equivalencia, sinonimia ou reformulacao? // Cadernos de estudos ling. Campinas, 1985. N 8. P. 129-134.
16. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. - Toshkent: O'zME, 2002. –В. 124.
17. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985. – 67 б.
18. Р.Қўнгулов. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983.
19. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>